

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ОРИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАРЪИЙ ҲУКМИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

ВЗАИМООТНОШЕНИЯ АРИЯ В РАМКАХ ИСЛАМСКОГО ПРАВОВЕДЕНИЯ И ЕГО ВИДЫ

ARI'AN RELATIONS IN ISLAMIC LAW AND ITS TYPES

Mamurjon ERKAEV,
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,*

*Master student of "ISESCO" study of Islamic studies
and Islamic civilization source study.*

M.Erkaev@iia.uz

II, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/8

Аннотация: Ушбу мақолада ҳанафий мазҳабининг классик даври манбаларида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга оид ория масаласи, унинг шаръий ҳукми ва турлари ўрганилган.

Ислом ҳуқуқига оид манбаларида ория масаласини ўрганишнинг аҳамиятли тарафи шундаки, инсонлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бирга, мазкур соҳага доир бугунги кундаги долзарб муаммоларга ечим бўлади.

Илмий мақолада Қуръон оятлари, ҳадиси шарифлар далиллар келтирилди. Шунингдек, ория масаласида фикр билдирган Мовароуннаҳрлик ва ислом дунёсида таникли ҳанафий мазҳаби фақиҳларнинг асарлари билан бир қаторда шофеъий мазҳаби фақиҳларидан Абу Исҳоқ Шерозийнинг (ваф. 486) “Муҳаззаб” асаридан иқтибослар келтирилди ва қиёсий таҳлил қилинди. Мақолада таҳлилга тортилган асосий масалалар юзасидан ҳулосалар берилди.

Мақсади. Ислом ҳуқуқига оид манбаларида ория муносабатларини таҳлил этиш, унинг ҳукми, келадиған ўринлари ва турларини илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

Усуллар. Мавзуни ёритишда, комплекс ёндашув, тизимлилик, тарихийлик, қиёсий-танқидий, манбашунослик каби методлардан кенг фойдаланилди.

Натижалар. Мақолада ория муносабатлари гарчи Қуръон оятлари, ҳадиси шарифлар ва ижмои уммат (уламолар иттифоқи) асосида сабит бўлган бўлса-да, зарурийлиги жиҳатидан ихтиёрий хусусиятга эгалигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, ориянинг турлари, яъни “ҳақиқий ория” ва “мажозий ория” ҳамда уларнинг ҳар бири “мутлоқ ория” ва “муқайяд ория”га бўлишини ўрганилди.

Ҳулоса. Бугунги кунда ория масаласига ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида қараш одатга айланган бўлиб, унинг фикҳий жиҳатлари унутилиб кетган. Лекин ория масаласининг ислом ҳуқуқи нуқтаи

назаридан Мовароуннаҳрда ёзилган фикҳий манбаларда алоҳида мавзу қилиб ўрганилиши ория масаласида қарор топадиган ҳақлар жамиятда фақиҳлар наздида қанчалар муҳим масала эканлигини кўрсатади. Иккинчи томондан ўзбек жамиятида ҳозирги модернизм ва глобаллашув кенгайиб бораётган бир даврда ория каби асрий қадриятлар унитилиб кетмаслиги учун унинг ҳуқуқий асосларини ислом динида бўлганлиги ва улар Қуръон, ҳадис ва фикҳий манбалар орқали ҳуқуқий асослаб қўйилганлиги ва унинг остида катта яхшилик ва борака борлигини ёш келажак авлод шуурига сингдириш муҳим омил саналади.

Таянч иборалар: *ория, ижара, фарз, вожиб, макрух, мустаҳаб, ҳаром, “истеъмол орияси”, “истеҳлок орияси”, “ҳақиқий ория”, “мажозий ория”, “мутлоқ ория”, “муқайяд ория”.*

Аннотация: В данной статье рассмотрены вопросы, касающиеся арии (одного из видов беспроцентных долговых отношений) в первоисточниках ханафитского мазхаба по социально-правовым отношениям. В статье также рассматриваются шариатские предписания и разновидности арии.

Изучение вопросов арии в источниках исламского права имеет большое значение, так как наряду с регулированием социальных отношений между людьми это поможет в решении актуальных проблем сегодняшнего дня в этой области.

В статье приводятся аяты из Корана, достоверные хадисы и фактологический материал. Проведен сравнительный анализ работ известных ханафитских факихов Мавераннахра по данному вопросу, в частности, с работами Абу Исхака Ширази (ум. 486), одного из факихов шафиитской школы.

Целью данного исследования является изучение вопроса беспроцентных долговых отношений ория, их места и разновидностей в источниках по исламскому праву и анализ шариатских положений, регулирующих долговые взаимоотношения, в данном случае взаимоотношения, связанные с арией.

Методы. При освещении темы использовались такие методы, как системный, исторический, источниковедческий, сравнительно-сопоставительный, критический и другие.

Полученные результаты доказывают, что взаимоотношения, связанные с арией, базируются на аятах из Корана, хадисах и консенсусе уммы (сообщества ученых) и имеют добровольный характер. Были изучены разновидности арии, такие как «настоящая ария» и «фигуральная ария», каждая из которых подразделяется на «абсолютную арию» и «ария мукайада».

Вывод. Сегодня стало привычным смотреть на проблему арии как на проявление социальных отношений, и ее юриспруденциальные аспекты уже забыты. Специальное изучение вопроса арии в юриспруденциальных источниках, созданных в Мавераннахре показывает, насколько вопросы арии были значимы для общества по мнению факихов. Сегодня, в период глобализации и модернизации узбекского общества чрезвычайно важно

сохранение таких традиционных ценностей как ария, правовая база которых заложена исламом на основе Корана, хадиса и фикха, что является и важным фактором и в деле воспитания молодого поколения.

Ключевые слова: *ария, рента, фард, ваджиб, макрух, мустаҳаб, харам, «ария потребления», «настоящая ария», «фигуральная ария», «абсолютная ария», «ария мукайада».*

Abstract: Current article studies the issue of ariya (borrowing something without any payment), its Sharia rulings and types which are based on socio-legal relations in the sources of the classical period of the Hanafi school.

An important feature of researching the issue of ariya in the sources of Islamic law is that along with the regulation of social relations between people, it will be a solution to today's pressing problems in this area.

The scientific article cites verses from the Qur'an and hadiths. Furthermore, the works of well-known Hanafi fakihis in Maverannahr and the Islamic world, who commented on this issue, citations and comparative analysis were made from the work of Abu Ishaq ash-Shirazi (d. 486), one of the faqihs of the Shafi'i madhhab.

Purpose. The purpose of the work is to analyze and scientifically substantiate the ariya relations, its place and types in the sources of Islamic law.

Methods. Methods such as complex approach, systematization, historical, comparative-critical, source studies were applied while conducting this topic.

Results. The article emphasizes that, although ariya relations are based on verses from the Qur'an, hadiths, and the consensus of the ummah (union of scholars), they are optional in terms of necessity.

At the same time, the types of arias - “real ariya” and “figurative ariya” were studied, and it was observed that each of them was divided into “absolute ariya” and “mukayyad ariya”.

Conclusion. Today, it has become common to look at the issue of ariya as a manifestation of social relations, and its jurisprudential aspects have been forgotten. However, from the point of Islamic law, the study of the arian issue as a separate topic in the jurisprudential sources written in Maverannahr shows how important the arian issues were for society in the opinion of the of the faqihs in society.

Today, in the period of globalization and modernization of the Uzbek society, it is extremely important to preserve such traditional values as ariya, the legal basis of which was laid by Islam on the basis of the Koran, hadith and fiqh, which is also an important factor in educating the younger generation.

Key words: *ariya, rent, fard, wajib, makhrukh, mustahab, haram, “consumption ariya”, “real ariya”, “figurative ariya”, “absolute ariya”, “mukayyad ariya”*

КИРИШ

Ория, яъни, бирор нарсани вақтинча фойдаланишга бериш ёки фойдаланиш учун олиш борасида ҳуқуқий маданиятни тартибга солиш

бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, ория масалалари урф-одатга айланиб қадрият сифатида шаклланган муносабатлар сирасига киради. У билан боғлиқ қоидалар, унинг ҳуқуқий жиҳатлари унутилиб кетган дейиш хато ҳисобланмайди.

Ория масаласи ижтимоий турмушнинг муҳим бўғини бўлган оилавий муносабатлар билан боғлиқдир. Унинг ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш, таҳлил қилиш инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, қариндош-уруғчилик, кўни-кўшничилик муносабатларининг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, нафақат ислом оламида, балки Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган мужтаҳид аждодларимизнинг бебаҳо маънавий меросини ўрганиш, жумладан, уларнинг фикр илмига бағишланган бир қатор асарларида ория масалаларига оид қоидалар, унинг турлари ва ҳукмларини тадқиқ этиш, шу асосда келажак авлодни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Ислом ҳуқуқига оид манбаларида ория муносабатларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш, унинг ҳукми, келадиган ўринлари ва турларини илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Мавзуни ўрганиш жараёнида комплекс ёндашилди, ория масаласига оид фақиҳларининг қарашлари илмий таҳлил қилинди ва қиёсланди. Умумий илмий-тадқиқот усуллари қўлланилди.

Мавзуни ўрганиш жараёнида ҳанафий мазҳабининг классик даври фақиҳлари – Алоуддин Самарқандий (ваф. 1145), Мулла Али Қорий (ваф. 1179), Алоуддин Косоний (ваф. 1191), Бурхониддин Марғиноний (ваф. 1197), Бурхониддин Маҳмуд Бухорий (ваф. 1219), Ибн Мавдуд Мавсулий (ваф. 1284) асарлари, шунингдек, XV асарда яшаган Бадриддин Айний (ваф. 1451) ҳамда XXI асарда яшаб ижод қилган Ваҳба аз-Зухайлий (ваф. 2015) ларнинг ислом ҳуқуқшунослигига доир асарлари асосий материал сифатида танлаб олинди.

МУҲОКАМА

Ислом ҳуқуқшунослигида ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳукмини ўрганиш жараёнида унинг ислом дини келишидан олдин ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ўрганилади.

Ислом дини келишидан олдин ория муносабатларининг ҳукми: ория муносабатлари

ислом келишидан олдин ҳам ижтимоий ҳаётда амалиётда бўлган. Чунки мазкур муносабатлар инсонларнинг кундалик эҳтиёжларини амалга оширишда зарурий ўзаро ҳамкорлик муносабати ҳисобланган. Бунга далил сифатида, Жалолиддин Суютий “Дуррул мансур” асарида “Моъун” сурасининг охири оятини нозил бўлиш сабаби ҳақида тўхталиб, қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:

“Мусулмонлар мунофиқлардан челақ, қозон, болта ва шунга ўхшаш нарсаларни вақтинча фойдаланиш учун олиб, сўнг қайтариб бермасдилар. Шунда Аллоҳ таоло **“وَيَنْفَعُونَ الْمَاغُونَ”** **“ва рўзхор ашёларини беришмайди”** (Shayx Usmonxon Temurxon, 2019, J.27-30, p.702) оятини нозил қилди” (Jaloliddin Suyuti, 2003, J.15, p.690).

Демак, ояти кариманинг нозил қилинишига асосий сабаби инсонлар ўртасида ўзаро ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўлган. Чунки мазкур ояти карима нозил бўлгач, мусулмонлар бировдан вақтинча фойдаланиш учун олган нарсаларини эгасига қайтариб бериш лозимлигини, у ўзганинг ҳақи эканини тушунганлар ва унга амал қилганлар.

Шунингдек, ория муносабатлари Мусо (алайҳиссалом) даврида ҳам бўлгани ҳақида манбаларда қайд этилган. Жумладан, Алоуддин Хозин (ваф. 741/1341) “Тафсирул Хозин” асарида “Тоҳо” сурасининг 87-ояти – **“Лекин бизлар** (Мисрдан чиқиб келадиганимизда Фиръавн) **қавмининг зеб-зийнатларидан иборат нарсаларни кўтариб чиққан эдик, бас,** (Сомирининг амри билан) **уларни** (оловга) **ташладик”** (Alouddin Mansur, 2019, p.454), ҳақида қуйидагиларни ёзган:

“Бизлар (Бани Исроил) Мисрдан чиқиб кетаётган вақтимизда Фиръавннинг қавмидан зебу зийнат, яъни, турли қимматбаҳо буюмларни вақтинча фойдаланиб туриш учун олдик”. Муфассирнинг ёзишича, улар мазкур буюмларни Мисрдан чиқиб кетгунларича ўзларида сақлаб турганлар” [Alouddin Xozin, 2004, J.3, p.210].

Муфассирнинг бундай дейишига сабаб, орияга олинган нарсаларни қайтариб берганлари тўғрисида ривоятларда ҳеч қандай маълумот келмаган бўлиши мумкин.

Айрим манбаларда, Сомирий (бут яшаган шахснинг исми) гапирадиган тирик бузоқ каби бир ҳайкал-бузоқни айнан ўша зебу зийнатлардан ясагани айтилади. Чукни ривоятларда бузоқча олтиндан ясалгани зикр қилинган. Сомирий уни инсонларни Мусонинг динидан адаштириш учун “худо” деб таништирилган, айримлар унга ишонган.

Демак, инсонлар ория муносабатларидан сўнги пайғамбар келишидан олдин ҳам ижтимоий турмуш тарзида кенг фойдаланган. Аммо уларнинг динида ория муносабатлари фарз ёки вожиб эканини билиш амри маҳолдир. Чунки ўша пайтларда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар диний ёки анъанавий қоидалар асосида тартибга солинган. Пайғамбарлар маълум бир қабила ёки муайян ҳудуд аҳолиси учун юборилган. Барча учун умумий муайян бир диннинг ўзи бўлмаган. Кимдир Иброҳим пайғамбарнинг динида бўлса, яна кимдир Мусонинг, бошқаси эса Исонинг динида бўлган. Инсонлар ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда мавжуд барча динларнинг кўрсатмаларидан фойдаланган, шунингдек, у ёки бу диннинг кўрсатмаларига амал қилган, деган фарзни тахмин қилиш мумкин.

Ислом ҳуқуқида ижтимоий ҳаётдаги турли муносабатларга оид ҳар бир ҳуқуқий масала далилининг қувватлигини эътиборидан фарз, вожиб ва суннат каби ҳукмларни ўзида касб этади.

Ория муносабатларининг шаръий ҳукми тўғрисида ислом ҳуқуқшунослигига оид манбаларда унинг мустаҳаб экани таъкидланади. Чунки у Куръон оятлари, ҳадиси шарифлар ва ижмои уммат (уламолар иттифоқи) асосида собит бўлган бўлса-да, зарурийлиги жиҳатидан ихтиёрий хусусиятга эгадир.

Мустаҳаб (араб. – севилган, ёқтирилган) – шаръий амал; уни бажарган киши савобли бўлади, бажармаган киши гуноҳкор бўлмайди. Истилоҳда Муҳаммад алайҳиссалом баъзан қилиб, кўп ҳолларда тарк этган амалдир (Islom. Ensiklopediyasi, 2017, p.327).

Баъзи фақиҳлар наздида, ория муносабатларининг ҳукми вожибдир.

Вожиб – (араб. – мажбурият, бурч,) – зарурийлик нуқтаи назаридан вожиб фарздан кейин, суннат талабларидан олдин туради. Исломда вожибни инкор этиш оғир гуноҳ ҳисобланса-да, кофирликка (диндан чиқишга) нисбат берилмайди. Истилоҳда эса, унда шубҳа бўлган далил билан собит бўлган амалдир (Nizomiddin Shoshiy, 2012, p.284).

Ория масалаларини вожиб деган фақиҳларнинг фикрига кўра, “Моъун” сурасидаги **“ва рўзгор буюмларини** (кишилар орияга сўраганда) **ман этадилар**” (Abdulaziz Mansur, 2018, p.602) ояти вожибликни ифода қилади.

Шунингдек, улар ўзларининг сўзларига қуйидаги ҳадисни ҳам асос қилганлар:

Абу Ҳурайра (розияллоху анху) ривоят қилади: “Албатта, Набий (соллаллоху алайҳи васаллам): “Туя соҳиби ҳаргиз унинг ҳақини адо этолмас”, – дедилар”.

Шунда атрофдагилар: “Унинг ҳақи нима?”, – деб сўрадилар. Ул Зот: “Унинг идишини орияга бериш, унинг эркагини кўйиб юбориш ва қайтиб келган куни (урғочи туянинг) сутидан (йўқсинларга) бериш”, – дедилар” (Alouddin Kosoniy, 2003, J.8, p.690).

Демак, ория муносабатларини вожиб деган фақиҳларнинг фикрига кўра, ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) туянинг закотини адо этиш билан инсон зиммасидаги мажбуриятлардан бирини бажарган бўлса-да, унинг ҳақини тўлиқ адо этиб бўлмаслигини таъкидлаганлар. Унинг закотидан ташқари идишини орияга бериш, сутини соғиб, йўқсинларда улашиш билан ҳақини адо қилиш мумкинлигини уқтиримоқдалар. Шундан хулоса қилиб, улар ория муносабатлари инсон зиммасидаги вожиб амаллардан бири, деб ҳисоблаганлар.

Ҳанафий мазҳаби фақиҳларининг фикрига кўра, ория масаласи вожиб эмас. Юқоридаги оят вожибликни ифода этмайди. Улар ўзларининг сўзларига имом Термизий “Жомеъул кабир” асарида келтирган қуйидаги ҳадисни далил қилдилар.

Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Набий (алайҳиссалом): “Агар мол-мулкингнинг закотини адо этсанг, дарҳақиқат, зиммангдаги нарсани (вожиб бўлган мажбуриятни) адо қилибсан”, дедилар”.

Шунингдек, Абу Исо ат-Термизий яна бир ҳадисни ривоят қилган. Набий (алайҳиссалом) закот ҳақида гапирдилар. Шунда бир киши: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Менга ундан (закотдан) бошқаси (нарса) вожибми?” – деб сўради. У зот: “Йўқ, аммо ихтиёрий равишда (хайру эҳсон) қилмоғинг жоиз”, дедилар (Abu Iso Termiziy, 1996, J.2, p.7).

Демак, ислом ҳуқуқида закотдан бошқа молиявий мажбуриятлар мавжуд эмас. Фитр садақаси ва турли нафақаларга келсак, улар маълум бир сабаблар асосида инсон зиммасидаги мажбуриятга айланади.

Ҳанафий мазҳаби фақиҳларининг фикрига кўра, ҳадисда инсон зиммасида фақатгина закот вожиб бўлиши, агар уни ўз вақтида адо этса, бошқа молиявий мажбурият вожиб эмаслиги аниқ айтиб ўтилмоқда. Демак, мазкур ҳадисга асосан ория муносабатлари вожиб эмас, балки ихтиёрий бажариладиган мустаҳаб амал экани маълум бўлади.

Ория муносабатлари ҳанафий мазҳаби уламолари таъкидлаганларидек, мустаҳаб бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки агар унинг ҳукми вожиб бўлса, инсонлар орасида ижтимоий муносабатларда кўплаб зиддиятли вазиятлар ва муаммолар юзага келади. Жумладан, инсон ўзига тегишли мол-мулкдан хоҳлаганидек фойдалана

олмайди. Шунингдек, тўлиқ тасарруф қилиш имкониятига ҳам эга бўлмайди. Сабаби, ислом ҳуқуқида таъкидлаб ўтилганидек, вожиб зарурийлик жиҳатдан фарздан кейинги ўринда турадиган амал ҳисобланади. Уни қасддан тарк қилиш инсонни гуноҳкор бўлишига олиб келади. Инкор қилиш мусулмон кишининг эътиқодига салбий таъсир кўрсатмаса-да, ислом динида катта гуноҳ саналади. Ория ижтимоий масалалари, инсонийлик нуқтаи назаридан бажариладиган амал бўлиб, уни қасддан тарк қилиш гуноҳкор бўлишга сабаб бўлмайди. Балки, хулқи ёмон инсон сифатида қораланади.

Ория муносабатларининг вожиб, макруҳ ва ҳаромга ўзгариши: ислом ҳуқуқида айрим ижтимоий муносабатларнинг ҳукми ички ва ташқи омиллар сабабли ўзгаради. Шунингдек, ория муносабатларининг ҳукми турли ижтимоий сабаблар таъсирида ўзгаради. Бу ўринда мулкдор ёки орияга олувчига нисбатан ҳам ҳукм бир хилликни касб қилади. Масалан, сувда чўкаётган инсон жонини сақлаб қолиши учун атрофдагилардан ёрдам сўраши лозим, атрофдагилар эса, уни кутқаришга ҳаракат қилиши вожиб бўлади.

Ориянинг вожиб бўлиши: ислом ҳуқуқида ория масалаларининг ҳукми вожиб бўлиши учун етарлича сабаб топилиши шарт қилинади. Жумладан, орияга олувчининг мажбур бўлиб қолиши.

Бунга қуйидаги ҳолатларни мисол қилиш мумкин:

- инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларда жонини сақлаб қолиши учун зарур бўлган нарсани орияга сўраши;
- иссиқ ёки совуқдан сақланиш учун зарур бўлган кийим-кечак ва бошқа нарсаларни орияга сўраши;
- ислом ҳуқуқида гўшти ҳалол ҳайвонларнинг ўлиб қолишидан сақлаш учун зарур бўлган воситаларни орияга сўраши;
- бирор нарсани йўқ бўлиб кетишидан сақлаб қолиш учун зарур нарсаларни орияга сўраши; масалан, ёнғин содир бўлганда.

Бу ҳолатларда мулкдор мавжуд вазиятдан келиб чиқиб ўзига тегишли мол-мулкни орияга бериши лозим бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, мулкдор мол-мулкни орияга бериши билан зарар кўрмаслиги шарт.

Демак, юқоридаги ҳолатларда инсон зарур бўлган нарсаларни орияга сўраши ва фойдаланиб бўлгач, эгасига қайтариши лозим. Мазкур ҳолатларда мулкдорнинг зарар кўрмаслигини шарт қилиш, мол-мулкни орияга беришга бўлган мажбуриятни тавсиявий хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий муносабатга айлантириб қўяди. Чунки ҳар

қандай қийматга эга бўлган нарсани фойдаланиш учун бериш гоҳида молиявий зарар келтириши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Ориянинг макруҳ бўлиши: макруҳ – (араб. – рад этилган, қораланган, номақбул) маъноларини ифода қилади. Истилоҳда эса, шариат уни тарк қилишни узил-кесил ва лозим сифатда, яъни қатъият билан талаб қилмаган нарсадир (Shayx Muhammad Sadiq, 2011, p.273).

Демак, ислом ҳуқуқида қатъиян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган ва рад этилган амаллар макруҳ ҳисобланади.

Ория муносабатларининг макруҳ бўлиб қолиши хусусида Ваҳба аз-Зухайлий “Фикҳул ислом ва адиллатуху” (“Ислом фикҳи ва унинг далиллари”) китобида жорияни (жинси аёл бўлган кул) хизмат учун орияга бериш макруҳ саналади. Чунки ўрталарида номаъқул иш юзага келишининг эҳтимоли мавжуд. Аммо жориянинг маҳрам қариндоши бўлса, жоиз бўлади, деган (Vahba az-Zuhayliy, 1985, J.5, p.57).

Абу Исҳоқ Шерозий (ваф. 1084) “Муҳаззаб” (“Тузатилган”) асарида баён қилинишича: “Киши ўз ота-онасини бирор хизматга ёллаши макруҳдир. Шу боис, уларнинг орияга олиш ва орияга бериш макруҳ ҳисобланади” (Abu Is’hoq Sheroziy, 1996, J.3, p.396).

Классик ислом ҳуқуқида куллар масаласи алоҳида ўрганилган. Жумладан, ория муносабатларида жорияларни бошқа инсонга хизмат учун ория бериш билан боғлиқ масалаларда келишув макруҳ ҳисобланади. Эркак куллар билан боғлиқ бу каби келишувлар макруҳликни касб қилмайди.

Ориянинг ҳаром бўлиши: ҳаром (араб. — фойдаланиш, истеъмол қилиш шаръан ман этилган нарса; муқаддас; ноқонуний) – шариатда ҳеч қандай шубҳасиз, очик-ойдин равишда ман қилинган нарса (Islom. Ensiklopediyasi, 2017, p.645).

Ислом ҳуқуқида ория масаласининг ҳукми ҳаромга ўзгариши қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

- инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган ўринларда, масалан, кимнингдир жонига қасд қилмоқчи бўлган вақтда пичоқ ёки ўтқир тиғли нарсаларни орияга бериш ҳаром ҳисобланади.
- бошқа дин вакилига Қуръони карим ва ислом динига оид манбаларни орияга бериш;
- уруш вақтида душманга қурол ва шу каби нарсаларни орияга бериш (Vahba az-Zuhayliy, 1985, J.5, 57);
- Ҳусни жамоли келишган жорияни маҳрам бўлмаган қариндошига орияга бериш;
- Мусулмон кулни бошқа дин вакилига хизмат учун орияга бериш;

– Ҳаж ёки умра ибодатларида эҳромда бўлган (ният қилган) кишига ов ҳайвонини орияга бериш (Abu Is'hoq Sheroziy, 1996, J.3, p.396).

Демак, ислом ҳуқуқида ория масаласининг ҳукми турли сабаблар муносабати билан вожиб, яъни фарз, макруҳ ва ҳаромга ўзгариши табиийдир. Унинг учун бериладиган савоб ҳам шунга қараб бўлади. Ислом ҳуқуқида вожиб амални бажариш жуда катта савоб, бажармаслик эса, катта гуноҳлар сирасига киради. Ҳаром эса, бунинг аксидир. Макруҳ амалдан огоҳ бўлишга даъват қилинади.

Ория муносабатларининг турлари: ислом ҳуқуқида ория масаласи орияга бериладиган мол-мулкга нисбатан қуйидаги икки турга бўлинади:

1. Ҳақиқий ория; айрим манбаларда “истеъмол орияси” ҳам деб номланади.

Истеъмол – арабча сўз бўлиб, истеъмол қилиш, фойдаланиш, жорий қилиш маъноларини англатади (Abdulmajid Onarboy, 2014, p.473).

Ҳақиқий ория – муайян нарсаларни орияга бериш. Бу қелишувда мол-мулк фойдаланиш давомида йўқ бўлиб кетмайди (Alouddin Samarqandiy, 2017, J.4, p.244). Масалан, турли қўчмас ва қўчар мулклар, шунингдек, бир марта истеъмол қилиш билан йўқ бўлиб кетмайдиган ҳар қандай нарсани орияга бериш назарда тутилади. Бунда орияга олувчи мол-мулкнинг айнан ўзи қайтарилиши лозим бўлади.

Демак, ориянинг бу турини ҳақиқий деб номланиши асосий сабаби, қелишувда мол-мулкнинг айнан ўзи эгасига қайтарилиши билан боғлиқдир. Агар мол-мулкка қасддан нуқсон етказилса, у билан бирга етказилган нуқсон қиймати тўлаб берилади. Агар мол-мулк орияга олувчининг айби билан фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолса ёки бутунлай йўқ қилинса, унинг қиймати тўлиқ қоплаб берилади ёки мисли олиб берилади.

2. Мажозий ория; айрим манбаларда орияга олинган мол-мулк йўқ бўлиб кетиши аниқ бўлган ўринларда “истехлок орияси” деб номланади.

Истехлок – арабча сўз бўлиб, истеъмол қилиш, тўлаб олиш маъноларини ифода қилади (Abdulmajid Onarboy, 2014, p.741).

Мажозий ория – муайян нарсаларни орияга бериш. Бунда орияга олинган мол-мулк фойдаланиш давомида йўқ бўлиб кетади ёки жинси ўзгариши эҳтимоли мавжуд бўлади (Alouddin Samarqandiy, 2017, J.4, p.245). Масалан, қайлий (ўлчаб сотиладиган), вазний (тарозида тортиладиган) нарсалар, турли сабзавот маҳсулотлари, нақд пуллар киради. Аслида бу қаби қелишувларни мулкдор ҳам орияга олувчи ҳам ўша нарсанинг аини ўзи ишлатилиб юборилишини ва орияга олувчи

фойдаланиб бўлганидан сўнг унинг ўхшаши ёки қийматини қайтариб беришини билади. Шу боис, бу турдаги ория қелишуви “Истехлок орияси” (“Мол-мулк йўқ бўлиб кетгадиган ория”) деб номланади.

Демак, ориянинг бу тури аҳоли ўртасида энг кўп оммалашган турларидан бири ҳисобланади. Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар ўртасида озиқ-овқат, пул олди-берди ва шу қаби нарсаларни олиб вақтинча фойдаланиш ҳолатлари оғзаки қелишув асосида амалга оширилади. Айрим уламолар, бу қаби қелишувларни ория ақди сирасига киритмаган. Чукни ория қелишувида энг асосий фикҳий қоидалардан бири, орияга берилган мол-мулк фойдаланиш жараёнида сақланиб қолиши, яъни йўқ бўлиб кетмаслиги ёки жинси ўзгариб кетмаслиги лозим. Булар “Қарз қелишуви” деб алоҳида ўрганилган. Аммо классик даври манбаларининг айримларида бу қаби нарсалар ория масалалари каторида баён қилинган.

Ория муносабатлари ория қелишувига нисбатан қуйидаги икки турга бўлинади:

1. Мутлоқ ория;
2. Муқайяд ория.

Бурхониддин Марғилоний (ваф. 1197) “Ҳидоя” асарида ория муносабатларини орияга олинган мол-мулкга нисбатан қуйидаги тўрт турга бўлиб баён қилган:

1. Орияга олинган мол-мулкдан фойдаланиш вақти ва фойдаланиш иш турининг белгиланмаслиги;
2. Орияга олинган мол-мулкдан фойдаланиш вақти ва фойдаланиш иш турининг белгиланиши;
3. Орияга олинган мол-мулкдан фойдаланиш вақти белгиланиб, фойдаланиш иш тури белгиланмаслиги;
4. Орияга олинган мол-мулкдан фойдаланиш вақти белгиланмай фақат фойдаланиш иш тури белгиланиши (Burhoniddin Marg'inoniy, 2012, J.3, p.1251).

Марғиноний масалани кенгроқ ёритиб беришга урғу берган. Чунки ория муносабатларида гоҳида томонлар қелишув вақтида бир ёқлама чекловларни киритиши мумкин. Масалан: мол-мулкдан фойдаланувчига ёки мол-мулкнинг ўзига нисбатан чеклов ўрнатилиши жоиз. Шу боис, қелишув вақтида белгиланган қайдларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда орияга берувчи қелишувни бекор қилиши ёки қўшимча қелишувни талаб қилиши ёки қелишувнинг ижара қелишувига ўзгартирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ўрнатилган чекловлар мол-мулкни орияга олишдан кўзланган мақсадга салбий таъсир кўрсатмаслиги шарт. Агар шундай ҳолат кузатилса, қелишув эмас,

балки чеклов бекор қилиниши фақиҳлар томонидан таъкидланган.

Мутлоқ ория – ўзаро келишувчилар томонидан мол-мулкдан фойдаланувчи ёки фойдаланиш иш тури ва бошқа чекловларнинг белгиланмаслигидир (Alouddin Samarqandiy, 2017, J.4, p.245).

Ория муносабатларида мол-мулкдан фойдаланиш вақти, фойдаланувчи ёки фойдаланиш иш турини белгиланмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки маълум доирада чегаралаб қўйиш турли келишмовчилик ва норозиликларни келтириб чиқаради. Натижада, орияга олувчининг мақсади тўлақонли ҳосил бўлмаслиги ёки аксинча, орияга олинган нарсадан фойдаланиш шартлари бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шундай бўлса-да, фақиҳлар ория келишувида ҳеч қандай чекловлар қўйилмаса, орияга олувчи ўзи чекловларни белгилаб олиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб таъкидлаганлар. Жумладан, Бадриддин Айний: “Орияга олувчи келишувда ҳеч қандай чекловларни киритмаган бўлса-да, ўзи чекловларни белгилаб олиши жоиз бўлади. Масалан, бирор бир ҳайвонни миниш учун олиб, биринчи бўлиб ўзи минса, мана шу қайдлаши бўлади, энди ундан бошқаларнинг фойдаланишига рухсат беролмайди. Агар ўша ҳайвондан биринчи бўлиб бошқа бир инсон фойдаланишига рухсат берса, демак, ундан фақат ўша инсон фойдаланишини ифодалаган бўлади. Энди ундан ўзи ҳам фойдалана олмайди. Агар фойдаланса, зарар етган тақдирда тўлайди” (Badriddin Ayniy, 2012, J.10, p.150), деган.

Демак, орияга муносабатларида мол-мулкдан фойдаланишда ҳеч қандай шарт ёки чекловлар қўйилмаса, фойдаланувчи ўзи чекловларни белгилаб олиши мол-мулкга нисбатан адолатлилик билан ёндошувни ифода қилиши билан бирга, томонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига олиб келади.

Алоуддин Косоний: “Мутлоқ урф ва одат билан қайдланади” Alouddin Kosoniy, 2003, J.8, p.375), деб умумий қоидалардан бирини баён қилган.

Ислом ҳуқуқида айрим масалалар қоидага асосланади. Шу боис, мутлоқ қилинган нарса мутлоқлигича фойдаланиш жоиз бўлади. Мазкур қоидага асосан, агар ория келишувида ҳеч қандай шарт қўйилмаса, мутлоқ қилинган ҳисобланади. Демак, ҳамма нарса жоиз экан, деган тушунча келиб чиқмайди. Чунки бошқа қоидага асосан, маълум доирада шартлар ўрнатилган бўлади. Масалан, айрим ўринларда урф-одат худди Қуръон, ҳадис каби ҳужжатга айланади ва мутлоқ қилинган ақдларда урф ва одат қоидаларига амал қилиш талаб қилинади. Мисол учун, орияга олинган мол-мулк

тирик ҳайвон бўлса, уни кечасию кундузи ишлатиб бўлмайди ва ҳаказо.

Шунингдек, мол-мулкнинг жинсидан келиб чиқиб фойдаланиш иш тури, вақти урфга қараб белгиланади. Масалан, темир ва шу каби нарсаларда худуд, вақт чегараланмайди. Аммо юкнинг миқдори чегараланиши мумкин. Чунки ортиқча юк мол-мулкга зарар етказиши мумкин. Ҳайвонни ория олганда уни ўз вақтида дам олдириши, ем-хашақларини вақтида бериши лозим. Мазкур нарсаларга эътиборсизлик қилиш, ҳайвонга зарар етказилишига олиб келади. Шу каби эҳтимолий, урфий тартиб қоидаларга амал қилиш шарт бўлади.

Муқайяд ория – ўзаро келишувчилар томонидан нарсадан фойдаланувчи ёки фойдаланиш иш тури ва бошқа чекловларнинг белгиланишидир (Alouddin Samarqandiy, 2017, J.4, p.245).

Агар мулкдор мол-мулкдан фақатгина орияга олувчининг ўзи фойдаланишини шарт қилса, бу ҳақида Бурҳониддин Маҳмуд Бухорий: “Икки хил бўлишини таъкидлаган:

1. Орияда мол-мулкдан фойдаланиш фойдаланувчига нисбатан турлиликни касб қилади. Масалан, миниш ёки кийиш. Инсонлар жисмининг бир-биридан фарқ қилиши бирор нарсадан фойдаланишда турли хил фойдаланишини ифода қилади.

2. Орияда мол-мулкдан фойдаланиш фойдаланувчига нисбатан турлиликни касб қилмайди. Масалан, ҳовли ва шу каби нарсалардан фойдаланиш” (Burhoniddin Mahmud Buxoriy, 2004, J.8, p.325).

Одатда ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларда келишув амалга ошириш чоғида, келишувчилар томонидан турли чекловлар ўрнатилади ва томонлар уларга амал қилиши шарт бўлади. Демак, ориянинг бу турида у ёки бу шартларнинг киритилиши унинг маълум доирада чегараланишига олиб келади. Масалан, орияга олинган мол-мулкдан фойдаланиш тартибини белгиланиши ёки ундан фойдаланувчиларга аниқлик киритиш ва бошқалар шулар жумаласидандир.

Мазкур ҳолатда мулкдор мол-мулкдан бошқа инсонлар фойдаланишига йўл қўймаслигини шарт қилган бўлса-да, орияга олувчи нарсани келишув асосида бошқа инсонга орияга бериши ёки ўзи билан бирга бошқалар ҳам фойдаланишга рухсат бериши мумкин.

Масалан, мулкдор ҳовлисини вақтинча фойдаланиш учун бир танишига бериб, ўзи билан бирга ҳеч кимнинг яшашига рухсат бермаслигини айтиб ўтган бўлса-да, орияга олувчи ҳовлидан бошқа бир инсон, яъни қариндошларидан бирини вақтинча

яшаб туришига рухсат бериши мумкин. Чунки ҳовлидан фойдаланиш фойдаланувчига нисбатан хилма-хилликни касб қилмайди.

Аммо мазкур ҳолатда орияга олувчи ҳовлидан темирчи ёки тикувчи каби касб-хунар эгаларининг фойдаланишига рухсат бермайди. Бу ҳақида Ваҳба аз-Зухайлий: “Мазкур ҳолатда орияга олувчи ҳовлидан темирчи, тикувчи каби касб-хунар эгаларининг фойдаланишига рухсат бермайди. Чунки классик ислом даврида мазкур касб эгалари одамлардан тушган буюртмаларни битириб бергунига қадар, улар фойдаланаётган кўчмас мулк объекти гаровга қўйилиши урф бўлган. Шу боис, орияга олувчи мазкур касб-хунар эгалари билан мустақил шартнома тузолмайди. Мулкдорнинг розилиги шарт қилинади” (Vahba az-Zuhayliyy, 1985, J.5, p.60], деган.

Демак, одатда темирчи ёки тикувчилар келишув асосида инсонлардан маҳсулотни олиб қолади. Келишув битгунига қадар улар яшаётган бино гаровга қўйилган ҳисобланади. Агар маҳсулотга бирор талафот етса ёки бутунлай йўқ бўлиб кетса, улар яшаётган бино қозининг ҳал қилув қарори билан етказилган нуқсонни қоплаш учун тортиб олинган.

Ерга бино қуриш ёки кўчат экиш учун орияга бериш: “Ерга бино қуриш ёки кўчат экиш учун орияга берса, мулкдор хоҳлаган вақтда фикридан қайтиб, орияга олувчидан қурган биносини бузиб, кўчатларини олиб чиқиб кетишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар келишув вақтида муддат белгиланган бўлса, мулкдор орияга олувчига бинони бузиш ва кўчатларни олиб ташлаш билан боғлиқ зарарни тўлайди. Шунингдек, белгиланган муддатдан олдин келишувни бекор қилиш макруҳ ҳисобланади” (Ibn Mavdud Mavsiliy, 2009, J.3, p.65).

Мазкур масалада муддатнинг белгиланиши муҳим саналади. Агар шундай бўлса, орияга олувчи етказилган зарарни мулкдордан ундириб олиши мумкин. Агар муддат белгиланмаса, зарарни ҳеч кимдан ундира олмайди. Чунки ер мулкдорники, у ўзи хоҳлаганидек тасарруф қилиш ҳуқуқи эга. Бу ўринда мулкдор орияга олувчини алдаган ёки унга нисбатан адолатсизлик қилган деган хулосага борилмайди. Сабаби, орияга олувчи келишув мулкдорнинг хоҳишига кўра бекор қилинишини олдиндан билади. “Фатҳи боби иноя” асарида қуйидаги баён қилинган: “Мулкдор ернинг қийматини тўлаб беришни истамайди. Агар унга ернинг қийматини тўлаш мажбурияти юкланса, зарар кўради. Бу ўринда бирон бир зарурат юзага келган, деган тахминга бориш тўғри бўлмайди. Ҳеч қандай зарурат мавжуд эмас. Бинони бузиш, томонларнинг мулкни бир-биридан ажратиб бериш табиий жараён” (Mulla Ali Qori, 2009, J.2, p.589).

Бу ҳолатда бир томонлама ёндашиб бўлмайди. Мазкур масалада орияга олувчи зарар кўраётгандек кўринса-да, агар талаб қилинган вақтида ерни бўшатиб бермаса, мулкдор зарар кўради. Шу боис, ерни талаб қилинган вақтида эгасига қайтариб бериш ёки агар мумкин бўлса, қўшимча келишув асосида ижарага ўзгартириш лозим бўлади.

Мол-мулкдан фойдаланиш иш турини, юк миқдорини ва жинсини белгилаш: ория муносабатларида мол-мулкдан фойдаланиш иш турини, юк миқдорини ва унинг жинсини белгилаш ёки уларни ўзгартириш масаласини Бурҳониддин Маҳмуд Бухорий қуйидагича баён қилган:

– Орияга олинган нарсадан фойдаланишда белгиланган юк турини қўйиб жинси бир хил бўлган бошқа юкни юкласа, жоиз бўлади. Унга талафот етса, тўламайди.

– Агар белгиланган юк жинсини ўзгартирса, масалан ўн ақфиза (ҳажми 33 литр, вазни 26.112 кг) буғдой юклаш белгиланган бўлса, ўн ақфиза (яъни, 226.120 кг) арпа юкласа, жоиз бўлади. Агар арпа енгилроқ бўлади деган тахмин билан юкнинг миқдорини оширса ва унга талафот етса, тўлайди.

– Агар буғдой юклаш учун ория олинган бўлса-ю, орияга олувчи унга темир, хом ёки пишган гишт, шунингдек, тупроқ, ўтин ва хурмо юкласа, белгиланган миқдорга амал қилса ҳам унга талафот етса, тўлайди. Чунки буларнинг буғдойга қараганда орияга олинган нарсага зарари кўпроқ эканлиги инобатга олинган (Burhoniddin Mahmud Buxoriy, 2004, J.8, p.327).

Мазкур масала юзасидан Алоуддин Самарқандий “Тухфатул фуқаҳо” (“Фуқаҳолар тухфаси”) асарида “Юз ман (ботмон, 1 манн 816 граммга тенг) пахта юклаш белгиланган бўлса, орияга олувчи унга юз ман (яъни, 81.6 кг) темир юкласа, ҳайвонга талафот етиши аниқ, тўлайди. Чунки темирнинг оғирлиги одатда ҳайвоннинг битта аъзосига таъсир қилади. Пахтанинг оғирлиги эса ҳайвоннинг барча аъзоларига таъсир қилади” (Alouddin Samarqandiy, 2017, J.4, p.246), деб баён қилган.

Демак, мол-мулкдан фойдаланиш иш турини, юк миқдорини ва жинсини белгилашда урф-одат қоидалари ҳам эътиборга олинади. Чунки асл қоида орияга келишувида чекловлар қўйилмаслигидир. Чеклов қўйилдими, демак, иш турининг ҳайвонга нисбатан таъсири, юкнинг оғирлиги ва енгиллиги, бир-бирига ўхшашлиги ҳамда жинси инобатга олинган бўлади. Унга амал қилиш лозим ҳисобланади.

Мол-мулкдан фойдаланиш вақти ва ҳудудини белгилаш: ория муносабатларида мол-мулкдан фойдаланиш вақтини ва ҳудудини белгилаш жоиз. Масалан, ундан фойдаланиш учун фақатгина бир

кунни белгиланиши ёки ўзи яшаб турган шаҳардан ташқарига чиқармаслигини белгилаши мумкин. Белгиланган шартларга амалга қилмаса, мол-мулкга талофат етган тақдирда тўлайди.

Экин экиш билан боғлиқ келишувларда Бурҳониддин Марғиноний: “Агар ерни экин экиш учун орияга олса, орияга олувчи ерни ҳосил пишмасидан олдин тортиб ололмайди. Бу келишувда вақтнинг белгиланиши ёки белгиланмаслигининг аҳамияти йўқ. Чунки унинг муайян вақти маълумдир” (Burhoniddin Marg‘inoniy, 2012, J.3, p.1252], деган.

Демак, экин экиш учун ерни ория бериб, экин етилишини инобатга олмаслик мантиқсизлик бўлади. Шу боис, бу каби келишувларда вақтни белгиланишига риоя қилинмайди. Томонлар қўшимча келишув асосида келишувни ижара келишувига ўзгартириши мумкин.

“Ҳидоя” асарига ёзилган шарҳларнинг бирида: “Агар орияга берувчи келишувни бекор қилиб ерни бўшатиб беришини талаб қилса, орияга олувчи ерни бўшатиб бермайди, балки келишув ижарага ўзгаради ва “ажри мисл” (яъни, ҳосил етилгунича тўланадиган ижара ҳақи) тўланади” (Akmaluddin Bobartiy, 2007, J.5. p.152-153), дейилган.

Бу ҳолатда ҳар икки тарафга фойдали бўлиши инобатга олинганини кўриш мумкин. Агар ерни бўшатиб берса, орияга олувчи зарар кўради. Агар бўшатиб бермаса, ернинг эгаси пул зарур бўлгани учун уни ижарага бериш истаги бўлиши мумкин. Шу боис, ўзаро қўшимча келишув асосида экин етилгунича ижара ҳақи тўлайди. Бунда мулкдор ҳам, орияга олувчи ҳам фойда кўради.

Абу Лайс Самарқандий “Хизанатул фикҳ” (“Фикҳ хазинаси”) китобида шундай келтирган: “Ория келишувининг шартига кирмайдиган икки нарсани алоҳида таъкидлаб айтиб ўтганлар:

1. Муддат белгилаш; аслида ория келишувига муддат белгиланмайди. Чунки мазкур келишувни мулкдор хоҳлаган вақтида бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2. Тўлаб беришни шарт қилиш; мулкдор “Агар мол-мулкга бирор талафот етса, тўлаб берасан”, деб шарт қўйса ёки орияга олувчининг ўзи “Агар унга талафот етса, тўлаб бераман” деб айтса, шарт бекор ҳисобланади. Яъни, орияга олувчининг тажовузисиз мол-мулкга бирор талафот етса, етказилган нуқсон миқдори тўлаб берилмайди” (Abu Lays Samarqandiy, 2005, p.204)

Фақиҳнинг фикрига кўра, мулкдор фойдаланиш муддатини белгиласа ёки орияга олувчи фойдаланиш муддатини айтса, шарт бекор ҳисобланади.

Шунингдек, ория масаласида мол-мулкдан фойдаланиш иш тури, вақти, ҳудуди ва бошқа

чекловларни қўйиш орияга олишдан қўзланган мақсадни ҳосил бўлишига ҳалал бермаслиги шарт. Акс ҳолда, томонлар ўртасида турли келишмовчилик ва норозиликларни юзага келади. Чунки орияга олинган нарсадан у ёки бу нарсада фойдаланиш орияга олувчининг ихтиёрида бўлсагина икки тарафга ҳам фойдали бўлади. Зеро, ория келишуви хайру саховат келишувидир. Мулкдор мол-мулкдан фойдаланишни орияга олувчининг ихтиёрига қўйиб берса, кўпроқ ажру савобга эга бўлади.

Агар мулкдор мол-мулкдан фойдаланиш вақтини белгиламай, балки фойдаланиш ҳудудининг ўзини белгиласа, бу ҳақида Алоуддин Косоний қуйидагича баён қилган: “Орияга олувчи мол-мулкдан куннинг исталган вақтида фойдаланиши жоиз бўлади. Чунки фойдаланиш вақти белгиланмади. Ҳудуди белгиланган, холос. Демак, ундан бошқаси мутлоқ ҳисобланади” (Alouddin Kosoniy, 2003, J.8, p.377].

Демак, бу масалада қўйилган чекловга амал қилинади ва бошқа чекловлар қўйилмагани боис, мутлоқ ҳисобланса-да, юқорида айтилганидек, мол-мулкга нисбатан урф-одат қоидаларига кўра муносабатда бўлиши талаб қилинади.

Ория муносабатларида фойдаланиш муддати, ҳудуди ва юкнинг миқдорини белгилаш тўғрисида Ваҳба аз-Зухайлий қуйидагича маълум қилган: “Агар мулкдор ва орияга олувчи мол-мулкдан фойдаланиш муддати, ҳудуди ва юкнинг ҳажми борасида ихтилоф қилиб қолсалар, мулкдорнинг сўзи инобатга олинади. Чунки орияга олинган нарса унинг мулки. Шу боис, у фойдаланиш бўйича қўйилган чекловлар масаласида бошқалардан кўра устунликка эга. Орияга олувчи мазкур масалада вазиятни ўзи тарафга оғдиришни хоҳласа, қасам ичади. Шундан сўнг унинг сўзи инобатга олинади” (Vahba az-Zuhayliy, 1985, J.5, p.61).

Мулкдор келишув вақтида қуйидагича шарт қўйиши ҳам мумкин. “Ундан фойдаланиб бўлишинг билан қайтар”. Бу ҳолатда орияга олувчи ундан фойдаланиб бўлиши билан дарҳол қайтариб бериши лозим. Агар фойдаланиб бўлганидан сўнг бироз муддат ушлаб турган вақтида мол-мулкга зарар етиб қолса ёки ҳалок бўлиб қолса, тўлиқ тўлаб беради. Мазкур масала хусусида Алоуддин Косоний шундай деган: “Орияга олинган мол-мулкдан фойдаланиб бўлганидан сўнг ушлаб турса, у ҳалок бўлган тақдирда тўлиқ тўлайди. Чунки ушлаб туриш келишувга хилофдир” (Alouddin Kosoniy, 2003, J.8, p.377].

Демак, ория келишувига вақтни белгилаш ҳайвонларга нисбатан тўғри бўлади. Чунки ҳайвонлар ейиш, ичиш ва куч тўплаб олиши учун

дам олиши керак. Шу боис, келишувда белгиланган вақтга амал қилинади. Агар вақт белгиланмаган бўлса, урфга эътибор қилинади.

Ория муносабатларида уй-рўзгор анжомлари ва бошқа нарсаларни орияга беришда вақтнинг белгиланиши мантиқсизлик ҳисобланади. Чунки орияга олувчи бу турдаги нарсаларни муайян иш тури учун олади ва фойдаланиб бўлгач қайтариб беради. Шундай бўлса-да, фойдаланиш муддати белгиланган жоиз. Масалан, мулкдор шахсий уловини орияга бераётган вақтида фойдаланиш вақти, муддати ва ҳудудини белгилаши ҳам жоиз.

НАТИЖАЛАР

Демак, ория муносабатларини тартибга солишда фақиҳлар усулий ва фикҳий қоидаларга алоҳида эътибор қаратган. Классик даври фақиҳлари ўзларидан аввалги асрларда яшаган мужтаҳидларнинг фатволарини қиёсий таҳлил қилган. Улар “Орияга олинган нарсани учинчи шахсга орияга бериш жоиз, унинг учун мулкдорнинг рухсати шарт қилинмайди. Агар мулкдор “бошқага орияга берма” деб айтган бўлса-да, орияга бериш жоиз бўлади. Ория келишуви яна бир ория келишувини юзага келтириши мумкин. Масалан, бу ҳолатни ижара битимидан ҳам кузатиш мумкин. Ижарага берилган нарсани мулкдор рухсатсиз учинчи шахсга ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлади”, деган хулоса келган.

Шунингдек, ория келишувида энг муҳим қоидалардан бири бу мулкдор хоҳлаган вақтида келишувни бекор қилиш ҳуқуқига эгалигидир. Чунки орияга олинган нарса унинг мулки, эвазсиз (ижара ҳақисиз) вақтинча фойдаланиб туриши учун берган. Ислом ҳуқуқида мулкдор ўз мулкини ўзи хоҳлаганидек тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, мулкдор мол-мулкини бошқасининг қўлида ория бўлиб турган ҳолида учинчи шахсга ижарага бериши, ҳадя, садақа қилиши ёки сотиб юбориши эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар шундай қилса, ория келишуви бекор қилинади ва орияга олувчи уни мулкдор талаби ёки унинг вакилининг талаби билан унга қайтариб бериши лозим.

Ория келишувида умумий қоидалардан яна бири шуки, агар ўрнатилган чеклов мол-мулкдан фойдаланишга ёки кўзланган мақсад ҳосил бўлиши ҳалал берса, келишув эмас, балки чеклов бекор деб инобатга олинади ва фойдаланиш жараёнида мол-мулкга бирор талафот етса, етказилган зарар орияга олувчи тарафидан қопланмайди.

Шу билан бирга, орияга келишуви вақтида ҳамма нарса айтилмайди. Балки мол-мулкга нисбатан урфий тартиб қоидаларга амал қилиш

талаб қилинади. Чунки орияга олувчининг энг асосий вазифаларидан бири орияга олинган мол-мулкни муҳофаза қилиш, уни сақлаш ва асл ҳолича эгасига қайтаришдан иборат. Шу боис, орияга олувчи мол-мулкга нисбатан эътиборсизлик қилишга ҳақли бўлмайди. Акс ҳолда, етказилган зарар тўлиқ қопланади.

Ория келишувида мол-мулкдан фойдаланиш вақтини иш кун тартибида белгиланиши ҳам мумкин. Масалан, эрталаб соат 8.00дан кеч соат 17.00гача деб белгиланади. Бу каби чекловлар юқорида айтилганидек, тирик жонзотларга нисбатан қўлланилади.

ХУЛОСА

Ҳанафий мазҳабига доир фикҳий манбаларда келган ория муносабатлари, яъни бахиллик қилмасдан юксак бағрикенглик кўрсатиб ўз ихтиёридаги мол-мулкни қўшниси ёки бошқа бир кишига вақтинча фойдаланиш учун бериб туриши ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келган қадриятига айланиб улгурган.

Ория масаласининг фикҳий жиҳатлари унутилиб, унга ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида қараш одатга айланган. Лекин ория масаласининг ислом ҳуқуқи нуқтаи назаридан Мовароуннаҳрда ёзилган фикҳий манбаларда алоҳида мавзу қилиб ўрганилиши ория масаласида қарор топадиган ҳақлар жамиятда фақиҳлар наздида қанчалар муҳим масала эканлигини кўрсатади. Иккинчи томондан, ўзбек жамиятида ҳозирги глобаллашув даврида ория каби асрий қадриятлар унутилиб кетмаслиги учун унинг ҳуқуқий асосларини ислом динида бўлганлиги, улар Қуръон, ҳадис ва фикҳий манбалар орқали ҳуқуқий асослаб қўйилганлиги ҳамда унинг остида катта яхшилик ва барака борлигини ёш келажак авлод шуурига сингдириш муҳим омил саналади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулазиз Мансур. (2018) Қуръони карим маънолар таржимаси ва тафсири/ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети; таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2018. – 624 б.
2. Абдулмажид Онарбой ва таҳрир хайъати. (2014) Ан-на’йм-ул-кабийр. – Н.: “Наманган нашриёти”. 2014. – 810 б.
3. أبو إسحاق الشيرازي (1996) المهذب. دمشق «دار القلم». الجزء الثالث. 1996. – 670 ص.
4. أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي. الجامع الكبير. بيروت. دار الغرب الإسلامي. 1996. المجلد الثاني. – 612 ص.

5. أبو الليث نصر بن محمد بن أحمد بن إبراهيم السمرقندي. (2005) خزنة الفقه. بيروت. دار الكتب العلمية. 2005. – 382 ص
6. أكمل الدين أبو عبد الله ابن الشيخ شمس الدين ابن الشيخ جمال الدين الرومي البابرّي (2007). العناية شرح الهداية. دار الكتب العلمية. 2007. الجزء الخامس. 525 ص
7. علاء الدين، أبو بكر بن مسعود بن أحمد الكاساني الحنفي. (2003) بدائع الصنائع في ترتيب الشرائع. بيروت. دار الكتب العلمية. 2003. الجزء الثامن. – 520 ص
8. علاء الدين السمرقندي. (2017) تحفة الفقهاء. بيروت. دار الكتب العلمية. 2017. الجزء الرابع. – 717 ص
9. علاء الدين الخازن. (2004) لباب التأويل في معاني التنزيل. بيروت. دار الكتب العلمية. 2004. الجزء الرابع. – 464 ص
10. Aripova, Zukhra (2020) “The life and status of women in society during the Mamluk period,” The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/3>
11. Aripova, Z. D. (2019). Mamluk sultans in Egypt and Abbasid caliphs in Cairo. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 201-205. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-10-78-36> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.10.78.36>
12. بدر الدين العيني. (2012) البناءة في شرح الهداية. بيروت. دار الفكر. 2012. الجزء العاشر. – 460 ص
13. برهان الدين محمود البخاري أبو المعالي. (2004) المحيط البرهاني في الفقه النعماني. الرياض. مكتبة الرشد. الجزء الثامن – 514 ص
14. برهان الدين علي بن أبي بكر بن عبد الجليل الفرغاني المرغيناني الحنفي (2012) الهداية في شرح بداية المبتدي. القاهرة. دار السلام. 2012. الجزء الثالث. – 1846 ص
15. ابن محمود الموصلي الحنفي. (2009) الاختيار لتعليل المختار. بيروت. دار الكتب العلمية. 2009. الجزء الثالث. – 198 ص
16. Coulson, N. J. (2011). A history of Islamic law. AldineTransaction.
17. Ислом. Энциклопедияси: А-Х / Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 672 б.
18. جلال الدين عبد الرحمن بن أبي بكر السيوطي. (2003) الدر المنثور في التفسير بالمأثور. القاهرة. 2003. الجزء الخامس عشر. – 834 ص
19. الملا على القاري. (2009) فتح باب العناية بشرح كتاب النقاية. بيروت. دار الكتب العلمية. 2009. الجزء الثاني. – 608 ص
20. Matibaeva, Raziya (2019) “Sacralization and traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/3>
21. Muhamedov N. (2015) Keffal Şaşı'nın Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>
22. Mukhamedov Nematullo (2020) “Activities of hadith scholars (muhaddis) of shash oasis in scientific centers of the region”. The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/11>.
23. نظام الدين الشاشي. (2012) أصول الشاشي. باكستان. مكتبة المدينة. 2012. – 308 ص
24. Шайх Алоуддин Мансур. (2019) Куръони Азим. Мухтасар тафсири. – Т.: “Шарқ” 2019. – 992 б.
25. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. (2011) Усул ул фикх. – Т.: “Шарқ”. 2011. – 576 б.
26. Шайх Усмонхон Темурхон Самарқандий. (2019) Тафсиру Ирфон, 27-30-жузлар, – Т. “Шарқ” ХМАК, 2019. – 752 б.
27. أبو الحسن برهان الدين علي بن أبي بكر بن عبد الجليل الفرغاني المرغيناني الحنفي. (1990) الهداية في شرح بداية المبتدي. دمشق. دار الفكر. 1990. الجزء الخامس – 870 ص
28. Weiss, B. G. (1998). The spirit of Islamic law (Vol. 5). University of Georgia Press.

REFERENCES

1. Abdulaziz Mansur. (2018) Kurani karim manolar tarjimasi va tafsiri/ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasi xuzuridagi Toshkent islom universiteti; tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Tashkent Islam university”, 2018. – 624 b. (in Uzbek.)
2. Abdulmajid Anarboy va takhrir khayati. An-na'ym-ul-kabiyr. – N.: “Namangan nashriyoti”. 2014. – 810 b. (in Uzbek.)
3. Abu Iskhoq Sheraziy. (1996) Mukhazzab. – Damashq. “Dorul qalam”. 1996. 7 mujallad/3. – 670 b. (in Arab.)
4. Abu Iso Termiziy. (1996) Jome'ul kabir. – Bayrut. “Dorul garb islomiy”. 1996. 6 mujallad/ 2. – 612 b. (in Arab.)
5. Abu Lays Samarkandiy. (2005) Khizanatul fiqh. – Bayrut. Dorul kutubul ilmiyya. 2005. – 382 b. (in Arab.)
6. Akmaluddun Bobartiy. (2007) Al-Inoya sharkhil khidoya. – Bayrut: “Dorul kutubul ilmiyya”, 2007. 6 mujallad/5. – 525 b. (in Arab.)
7. Alouddin Kosoniy. (2003) Badoi'us va sanoe' fi tartibish sharoe'. – Bayrut: “Dorul kutubul ilmiyya” 2003. 10 mujallad/8. – 520 b. (in Arab.)
8. Alouddin Samarkandiy. (2017) Tukhfatul fuqakho. – Bayrut. “Dorul kutubul ilmiyya” 2017. 4 mujallad/4. – 717 b. (in Arab.)
9. Alouddin Khozin. (2004) Lubabut ta'vil fi ma'onit tanzil (Tafsiru Khozin). – Bayrut. “Dorul kutubul ilmiyya”. 2004. 4 mujallad/3. – 464 b. (in Arab.)
10. Aripova, Zukhra (2020) “The life and status of women in society during the Mamluk period,” The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/3>
11. Aripova, Z. D. (2019). Mamluk sultans in Egypt and Abbasid caliphs in Cairo. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 201-205. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-10-78-36> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.10.78.36>
12. Badriddin Ayniy. (2012) Al-Binoya fi sharkhil khidoya – Bayrut: “Dorul kutubul ilmiyya”, 2012. 11 mujallad/10. – 460 b. (in Arab.)
13. Burkhaniddin Makhmud Bukhariy. (2004) Mukhitul Burkhaniy. – Riyoz. “Maktabatur rushd” 2004. 25 mujallad/8. – 514 b. (in Arab.)
14. Burkhaniddin Margiloniy. (2012) Khidoya sharkhi bidoyatul muftadiy. – Qakhira. “Darus salam”. 2012. 4 mujallad/ 3. – 1846 b. (in Arab.)

15. Coulson, N. J. (2011). A history of Islamic law. AldineTransaction.
16. Ibn Mavdud Mavsiliy. (2009) Al-Ikhtiyor li ta'lili mukhtor. – Bayrut: “Dorul kutubul ilmiyya”, 2009. 5 mujallad/3. – 198 b. (in Arab.)
17. Islom. Ensiklopediyasi: A-H / Shayhk Abdulaziz Mansur takhriri ostida. – T.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. – 672 b. (in Uzbek.)
18. Jalaliddin Suyutiy. (2003) Durrul mansur fi tafsir bil masur. – Qakhira. 2003. 17 mujallad/15. – 834 b. (in Arab.)
19. Mulla Ali Qori. (2009) Fatkhul bobi ‘inoya fi sharhi kitab al-Niqoya. – Bayrut: “Dorul kutubul ilmiyya”, 2009. 3 mujallad/2. – 608 b. (in Arab.)
20. Matibaeva, Raziya (2019) “Sacralization and traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/3>
21. Mukhamedov N. (2015) Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126 b. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>
22. Mukhamedov Nematulla (2020) “Activities of hadith scholars (muhaddis) of shash oasis in scientific centers of the region”. The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/11>.
23. Nizamiddin Shashiy. (2012) Usulu Shashiy. – Pakistan. “Maktabatul Madina”. 2012. (in Arab.)
24. Shaykh Alauddin Mansur. (2019) Kurani Azim. Mukhtasar tafsiri. – T.: “Sharq” 2019. – 992 b. (in Uzbek.)
25. Shaykh Mukhammad Sodiq Mukhammad Yusuf. (2011) Usulul fiqh. – T.: “Sharq”. 2011. – 576 b. (in Uzbek.)
26. Shaykh Usmonkhan Temurkhan Samarkandiy. (2019) Tafsiru Irfon, 27-30-juzlar, – T. “Sharq” HMAK, 2019. – 752 b. (in Uzbek.)
27. Vakhba az-Zukhayliy. (1985) Fiqhul islam va adillatuhu. – Damashq: “Dorul fikr” 1985. – 8 mujallad/5. – 870 b. (in Arab.)
28. Weiss, B. G. (1998). The spirit of Islamic law (Vol. 5). University of Georgia Press.